

PAPER

# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ВА “ЖАДИД” ГАЗЕТАЛАРИДА ЖАНРЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Наргиза Мирзаева<sup>1,\*</sup>

<sup>1</sup>ф.ф.ф.н (PhD), доцент Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Тошкент, Ўзбекистон

\* mirzaeva@icloud.com

## Abstract

Мазкур мақолада замонавий ўзбек матбуоти мисолида жанрлар трансформацияси жараёнлари таҳлил этилган. Хусусан, “Янги Ўзбекистон” ва “Жадид” газеталарида кузатилаётган таҳририй услуг янгиланиши, омухта (гибрид) жанрларнинг шаклланиши, ахборот ва таҳлил материаларининг индивидуал услуг билан бойитилиши каби хусусиятлар ёритилган. Мақолада журналистик матнларда очерк, эссе, таҳлилий мақола, интервью ва репортаж каби жанрларнинг замонавий форматда қайта шаклланиши ва бу жараённинг оммавий ахборот маконида тутган ўрни назарий ва амалиёт нуқтаи назаридан баҳоланади.

**Key words:** жанрлар трансформацияси, замонавий матбуот, очерк, таҳлилий мақола, журналистик услуг, “Янги Ўзбекистон”, “Жадид”, омухта жанрлар, медиа макон, аудитория эътиёжлари, рақамли журналистика

## Кириш

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланмоқда ва бу жараёнда матбуот нашрларининг жанрий таркибида ҳам ўзгаришлар кузатилмоқда. Хусусан, Ўзбекистондаги янги давр матбуоти – “Янги Ўзбекистон” ва “Жадид” газеталари замонавий журналистиканинг талабларига мос равишда шаклланаётган, миллий медиа маконда мустаҳкам ўрин эгаллаётган нашрлар сирасига киради. Ушбу мақолада икки газета мисолида жанрлар трансформацияси, яъни анъанавий ва замонавий жанрларнинг ўзаро уйғунлашви ва янгиланиши таҳлил этилди.

Журналистикада жанр – бу ахборотни ифодалашнинг муйян услуби, тузилиши ва функциясига эга шакл ҳисобланади. Ахборот, таҳлил ва бадиий-хужжатли жанрлар асосий гуруҳлар бўлиб, замон талабларига кўра уларда функционал ҳамда услубий ўзгаришлар рўй береб бормоқда. Жанрлар трансформацияси – бу мавжуд жанрларнинг замонавий воситалар таъсирида қайта шаклланиши, янги талабларга жавоб берадиган янги кўринишларнинг пайдо бўлиши демакдир.

## Усул ва таҳлиллар

“Янги Ўзбекистон” газетасида ахборот ва таҳлил жанрлари кенг қамровда намоён бўлади. Ахборот жанрида янгиликлар, расмий хабарлар, воқеа жойидан репортажлар тезкорлик ва аниқлик билан берилса, таҳлил жанрларида мақолалар, интервью ва шарҳлар орқали мавзуга чуқур ёндашув таъминланади. Масалан, 2024 йил 15 март сонида чоп этилган “Янги йўлар – янги ҳаёт” сарлавҳали мақола репортаж ва таҳлил элементлари уйғулигига ёзилган. Унда муаллиф нафақат янги курилаётган турар-жойлар ҳақида ахборот беради, балки уларнинг ижтимоий аҳамияти, аҳоли турмуш тарзига таъсирини таҳлил қилади. Бу ҳолатда репортаж жанри таҳлилий мақола билан омухта ҳолда тақдим этилган.

Мазкур газетанинг 2024 йил декабрь ойидаги ”Ўқитувчи – янги авлод тарбиячиси” сарлавҳали мақола интервью ва портрет жанри асосида тайёрланган бўлиб, унда интервью олинган шахснинг фаолиятини журналист нафақат саволжавоб орқали, балки таҳлил, индивидуал характеристика ва мақсадли фикрлар билан чуқур ёритади. Бу услуг портрет-интервью жанрининг янгича ифода кўриниши сифатида намоён бўлади.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2025 йил 10 февраль со-

нидаги "Бир оиланинг ҳаёти орқали – аҳоли фаровонлиги ҳақида" мақоласида турмуш даражасини таҳлил этиш учун якка оила ҳаёти асос қилиб олинган. Мақолада очерк, таҳлил ва ахборот элементлари уйғунлашган бўлиб, бу кейс-мақола жанридаги трансформация намунасиdir.

"Янги Ўзбекистон" газетаси ахборот ва таҳлил жанрлари ни уйғунлаштирган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг барча жаъаларини ёритишида замонавий методлардан фойдаланмоқда. Хусусан, репортаж, мақола, интервью, таҳлилий шарҳ каби жанрларда мультижанрлик ва сторителлинг элементлари кенг қўлланилмоқда. Бу эса журналистик материалларнинг таъсирчанлигини ва ўқувчининг қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда.

"Жадид" газетаси кўпроқ илмий-маърифий йўналишида чиқарилади ва унда адабий-бадиий услубдаги жанрларга алоҳида ўрин берилган. Таржима ҳол мақолалари, эссе ва мақсадли таҳлилий материаллар орқали жадидчилик ғоялари кенг ёритилади. Газета таҳририяти замонавий медиа тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда материалларни инфографика, мультимедий элементлар билан бойитмоқда. Масалан, 2024 йил октябрь сонидаги "Исҳоқхон тўра Ибрат: илм ва маърифат фидоиysi" сарлавҳали эссе-мақола бадиий тасвир, тарихий маълумот ва таҳлилини уйғунлаштирган. Бу материалда эссе жанри орқали шахснинг илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ёритилган.

2025 йил январь сонидаги "Жадид" мактаби – миллий уйғониш асоси" мақоласида анъанавий мақола ва очерк элементлари уйғунлашган. Журналист тарихий фактларга асосланган ҳолда мактабларининг таъсирини таҳлил қилиб, у билан боғлиқ реал шахслар ҳаёти ва фаолиятини бадиий ифода орқали баён этади. Бу ҳол жанрлар синтези намунаси бўлиб, оқувчида катта таассурот қолдиради.

"Жадид" газетасидаги "Янги авлодга қандай мерос қоляпмиз?" сарлавҳали мақола эса эссе ва таҳлил услубида ёзилган бўлиб, унда муаллиф шахсий фикрларини тарихий далиллар билан уйғунлаштирган ҳолда баён этади.

"Жадид" газетасида эса илмий-маърифий йўналишида ишлаб, очерк, эссе, тарихий таҳлил, портрет мақола каби жанрларни бадиий-таҳлил элементлари билан бойитмоқда. Газетадаги материаллар орқали жадидчилик ғоялари нафақат қайта ҳаётга қайтарилмоқда, балки уларни замонавий нуқтаи назардан қайта таҳлил этиш амалиёти ҳам олиб борилмоқда.

Иккала газетада ҳам материаллар кўпинча гибрид жанрларда тайёрланади. Бугунги медиа маконда ахборот мақоласи ичиди таҳлил, шарҳ, шахсий фикр ҳамда бадиий ифода элементлари жой олмоқда. Бу эса журналистиканинг индивидуаллашви ва ижодийлашви самарасидир.

## Муҳокама ва натижалар

Бугунги медиа маконда газеталар ахборотни нафақат фактлар орқали, балки интерактив ва ижодий услубда етказишига ҳаракат қилмоқда. Бу ҳолат анъанавий жанрларнинг қайта шаклланиши, уларнинг ўзаро синтези, ҳамда янги форматларнинг вужудга келишига олиб келмоқда. Масалан:

- **Инфожанрлар** – ахборот ва таҳлилни инфографика, диаграмма, таблицалар орқали ифода этиш.

- **Кейс-мақола** – аниқ воқеа ёки шахс мисолида ижтимоий муаммони таҳлил этиш.

- **Сторителлинг (ҳикоялаш)** – мақола бадиий усолда ҳикоя шаклида ифода этилади, бу оқувчининг ҳиссисиётларига таъсир этади.

Журналистикада жанрлар трансформацияси – замон, технологик инқиlob ва жамият эҳтиёжларининг бевосита таъсирида юз бераётган қонуний жараёнdir. Мазкур мақолада таҳлил қилинган "Янги Ўзбекистон" ва "Жадид" газеталарида кузатилаётган жанрлар трансформацияси – бу нафақат формал янгиланиш, балки контент, услуг ва ўқувчи билан мулоқот усулининг янги босқичга кўтарилаётганини англатади. Ушбу трансформация жарайёнларини ўрганиши ва таҳлил қилиш келгусида миллий матбуотимиз ривожи учун илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

дид" газеталари мисолида ҳам журналистик жанрлар шаклан ва мазмунан қайта ифода этилаётгани, уларнинг ўзаро уйғунлашви, мультимедиавий форматларга мослашви ҳамда индивидуал услубларда намоён бўлаётгани яққол кузатилди.

Аниқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, анъанавий жанрлар (мақола, интервью, очерк, репортаж) бугунги медиа маконда кўп ҳолларда синкетик шаклларда – таҳлилий эссе, портрет-интервью, бадиий очерк, инфографик таҳлил каби кўринишларда пайдо бўлмоқда. Бу ҳолат матбуот материалларининг таъсирчанлиги ва ўқувчи билан мулоқотнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис, замонавий оммавий ахборот воситалари фаолиятини баҳолашда жанрлар трансформацияси масаласига илмий ёндашув талаб этилади.

Мазкур таҳлил асосида қуийдаги илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Жанрлар трансформациясини замонавий журналистика назарияси доирасида алоҳида таҳқиқот объекти сифатида ўрганиши зарур. Бу жараённи таснифлаш, таркибий элементларини таҳлил қилиш ва янги жанр моделларини шакллантириши лозим.

Газета матнларида мультижанрликтнг кучайиши журналист шахсияти, унинг индивидуал услуби ва аудиторияга йўналтирилганлиги билан узвий боғлиқлигини инобатга олиш зарур. Матбуотдаги таҳририй сиёsat ва мақсадли аудитория хусусиятлари журналистик жанрларнинг танланиши ва қайта шаклланишида ҳал қилувчи омиллардан бирни сифатида ўрганилиши лозим. Газеталардаги таҳририй тажриблар асосида жанрлар трансформацияси бўйича услубий тавсиялар, ўқув қўлланмалар ва таҳририй стандартлар ишлаб чиқиш, амалий журналистика учун муҳим методологик қадам бўлади.

Медиа таълим тизимида журналистик жанрлар трансформациясини ўргатишни назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлаштириш, талабаларда замонавий таҳририй ёндашувларни шакллантиришга хизмат қиласи.

Ушбу тавсиялар миллий журналистика тараққиёти, газета маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва аудитория эҳтиёжларини қондиришида муҳим илмий-назарий асос бўлиб хизмат қиласи.

## Хунос

Замонавий журналистикада жанрлар трансформацияси – ахборотни етказищдаги услубий, тузилемавий ва функционал янгиланишларни ифодаловчи муҳим тенденция ҳисобланади. "Янги Ўзбекистон" ва "Жадид" газеталари мисолида бу жараён жуда равшан кўзга ташланади. Бу нашрлар анъанавий журналистика жанрларини сақлаб қолган ҳолда, уларни замонавий воситалар, таҳририй услуг ва янгиланган медиа стандартлари асосида қайта шакллантирилмоқда.

Жанрлар трансформацияси замон, технология ва жамият эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ. Бугунги ўқувчи нафақат ахборотни олишни, балки уни таҳлил қилиш, ҳис қилиш, мулоҳаза юритиши имкониятига эга бўлишини истайди. Шу боисдан ҳам газеталар мультимедиавий форматлар, визуал элементлар ва янги жанр ифодалари орқали матнларни бойитмоқда.

Умуман олганда, "Янги Ўзбекистон" ва "Жадид" газеталарида кузатилаётган жанрлар трансформацияси – бу нафақат формал янгиланиш, балки контент, услуг ва ўқувчи билан мулоқот усулининг янги босқичга кўтарилаётганини англатади. Ушбу трансформация жарайёнларини ўрганиши ва таҳлил қилиш келгусида миллий матбуотимиз ривожи учун илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

## REFERENCES

1. Ю.К.Евдокимов, Дистанционные автоматизированные учебные лаборатории и технологии дистанционного учебного эксперимента в техническом вузе, Открытое образование, – 2009. – № 5. – pp. 101–116.
  2. Бегматов Ш. (2020). Матбуотда таҳлилий материаллар таҳрири ва услуби. – Т.: Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети нашри, 180 б.
  3. Mirzayeva, N. (2014). JOURNALIST SPECIALIZATION IN MEDIA WORLD: LANGUAGE AND STYLE SPECIFICS. The Way of Science, 52.
  4. Mirzayeva, N. A. (2020). THE ROLE OF ELECTRONIC PUBLICATIONS IN THE GLOBAL INFORMATION SPACE. Восточно-европейский научный журнал, (4-4 (56)), 48–50.
  5. Раҳмонов Б. (2021). Журналистика назарияси ва методологияси. – Т.: Ўзбекистон, 256 б.
  6. Тошев Қ. (2017). Матбуот таҳлилида замонавий ёндашувлар. – Самарқанд: СамДУ нашри, 198 б.
  7. “Янги Ўзбекистон” газетаси (2023–2025). – Электрон нашр: <https://yangi.uz>
  8. “Жадид” газетаси (2023–2025). – Электрон нашр: <https://jadid.uz>
  9. Кузнецов Г.В. (2019). Журналистские жанры в условиях цифровой трансформации. – М.: Аспект Пресс, 215 с.
  10. Корконосенко С.Г. (2021). Теория журналистики: медиа-рефлексивный подход. – СПб.: Издательство СПбГУ, 248 с.
  11. Zelizer B. (2004). Taking Journalism Seriously: News and the Academy. – London: Sage Publications, 256 p.
  12. Deuze M. (2005). What is Journalism? Professional Identity and Ideology of Journalists Reconsidered. // Journalism, Vol. 6(4), pp. 442–464.
  13. Pavlik J. (2008). Media in the Digital Age. – New York: Columbia University Press, 284 p.
  14. Franklin B. (2013). The Future of Journalism. – London: Routledge, 272 p.
  15. Carlson M. (2016). Metajournalistic Discourse and the Meanings of Journalism: Definitional Control, Boundary Work, and Legitimation. // Communication Theory, Vol. 26(4), pp. 349–368.